

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**259** 2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси-  
нинг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари-  
га қабул тўғрисида

Умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-хунар коллежларида ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни, республика минтақалари иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-хунар маълумотли кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб республика ҳудудларида 1-иловага\* мувофиқ 26 та касб-хунар коллежини қайта ихтисослаштиришга доир таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда иқтисодиёт тармоқларининг ўрта махсус, касб-хунар маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган 2013/2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини республиканинг касб-хунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг умумий параметрлари 2 ва 2.1 — 2.13-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (А.И. Икромов), республиканинг касб-хунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида икки ҳафта муддатда 2013/2014 ўқув йилида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича ҳар бир академик лицей ва касб-хунар коллежига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини қабул қилиш параметрларини тасдиқласин.

\* 1 — 2.13-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини, ўқувчилар ва улар ота-оналарининг танланган ва иқтисодиёт тармоқларида эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўқишга талабини, таълим муассасаларида зарур моддий-техника базаси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга алоҳида эътибор берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига, зарурат бўлганда, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларининг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қабул қилиш кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ўз тасарруфида ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013/2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин ҳамда шу йил 10 августгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига қабул қилиш натижалари бўйича якуний ахборот тақдим этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари раҳбарлари зиммасига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини келгусида академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битирувчи қизларнинг касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан қамраб олинишига алоҳида эътибор қаратилсин.

9-синфлар битирувчиларини ўқитиш билан қамраб олишнинг якуний натижалари тўғрисида жорий йилнинг 15 августигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2013/2014 ўқув йили учун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилишнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар таъминоти учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қайта ихтисослаштирилаётган ва янгидан фойдаланишга топширилаётган касб-хунар коллежларида ва филиалларида 2013/2014 ўқув йили бошлангунга қадар сифатли ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, уларни юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш, уларда кадрлар тайёрлаш йўналишлари-

га мувофиқ ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 16 май,  
133-сон